

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МАТБУОТ ВА АХБОРОТ БОШҚАРМАСИ

**ПРЕСС-РЕЛИЗ**

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ҳудудий бўлинмаларда меъёрий-  
ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш ўқув-  
амалий семинари**

2013 йилг 5 июль куни Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ҳудудий бўлинмаларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Семинарда Агентлик марказий аппарати бошқармаларнинг ҳамда ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари катнашиб, унда бир нечта масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2011 йил 4 майда “Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 126-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ижроси ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари билан расмий ёзишмаларни “Е-ХАТ” ҳимояланган электрон почта тизими орқали амалга оширилиши белгилаб берилган.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари Комплекси мажлисининг 2012 йил 12 октябрда тасдиқланган (01-08-6-19-сон) баёни билан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимияти органларига мақсадли кўрсаткичлар белгиланган.

Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ижроси ҳамда юқорида қайд этилган органлар билан расмий ёзишмаларнинг “Е-ХАТ” тизими орқали амалга оширилиши, ҳужжатларни кўриб чиқиш, ижро этиш ва сақлаш юзасидан назоратни кучайтириш, ахборотларни қоғоз ва электрон манбалардаги оқимини мақбуллаштириш, ҳужжатларни киритиш, таҳлил қилиш ва сақлаш учун ягона ахборот маконини яратиш, ахборот айирбошланишнинг ҳимояланганлигини таъминлаш, Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан ҳамкорлик самарадорлигини ошишига ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришишга олиб келади. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Е-ХАТ” электрон почта тизимини Матбуот ва ахборот агентлигининг вилоят бошқармаларида ўрнатиш, ишга тушириш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича ишлар амалга оширилаяпти.

Семинарда жумладан, Ҳукуматнинг NIS.UZ тизимига маълумотлар жойлаштириш тартиби, иш юритиш қоидалари, ижро интизоми ҳамда “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талаблар ижросини таъминлаш масалалари, оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олишда қонунчилик талабларининг ижроси, меҳнат шартномасини тузиш ва шахсий таркибга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларига риоя этиш механизмлари масалалари муҳокама қилинди.